

Музейларда Инновацион Бошқарувнинг Аҳамияти

Д. Рафиковна¹

Музейлар асосан ижтимоий манфаатларни кўзлаб фаолият юритадилар. Шунинг учун ҳам ушбу фаолиятнинг барча жиҳатлари жамият олдида мажбуриятларга муносиб бўлиши керак. Музей инсонлар ва давлатнинг маданий, табиий ва илмий меросларини сақловчиси сифатида ўз зиммасига алоҳида маъсулиятни олади ва бенуқсон иш олиб бориши керак. Хукумат структурасининг бир қисми бўла туриб музей раҳбарлик қилувчи органининг бошқарув тизимиға мувофиқ ишлаши керак бўлса ҳам, лекин бир вақтни ўзида музей ишининг ҳамма қабул қилган амалий усулларини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Йигирманчи асрнинг сўнгги ўн йиллари музей соҳасида жиддий иқтисодий муаммолар пайдо бўлиши даври эди. 1980 йилларда Буюк Британия, Нидерландия, Франция, Германия музейлари давлат томонидан молиялаштирилишининг камайганини сезишиб. “Фондлардаги молиявий танглик музейлар ахволини омонат қилиб қўйди,” - дея хабар берди 1991 йил октябрида Вашингтон Тимес. Бруклин музейи ўзини асосий ҳайриячиси – Нью-Йорк шахри мунитсипал бюджетини кескин қисқартирганида кундалик бюджетининг деярли 40% идан айрилди. 1991 йил Детройт санъат институти – Америка музейларининг энг йириги – ҳафтада бир неча кунга ёпиладиган бўлди, ўз штатли ҳодимларининг деярли 40% ини ишдан озод этди, кириш учун тўлов киритди – бу холат “буюк депрессия”дан бери биринчи марта эди. Давлат томонидан молиялаштиришнинг қисқариши ва шаҳар аҳолиси бошидан ўтказаётган иқтисодий қийинчиликлар натижасида келувчилар сонининг камайиши музейларнинг эртанги кунга бўлган ишончини йўқотди.

Музейлар агар молиявий тангликни четлаб ўтиш, санъат ва маданият бозорида муваффакиятли ракобат олиб бориш, туристлар эътиборини жалб этиш ва таълим учун қўшимча шарт-шароитлар яратишни ҳоҳлар эканлар, тижорат секторида қўлланаётган баъзи методларни ўзлаштиришдан бошқа иложи йўқ эди².

Музей менежменти- бу музей муассасаси ҳамда унинг персоналини бошқариш тамоиллари, услублари, восита ва шакллари тизимиdir. Менежментнинг бош вазифаси - бошқарув фаолияти асосларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш, жамоа меҳнатининг самарадорлигини ошириш, бошқарувнинг янги натижавий методларини яратиш ва амалиётга жорий этиш, музейнинг мақсади ва вазифаларини оқилона белгилаш ҳисобланади³.

Музей менежментининг асосий мақсади ташкилот ресурсларидан оқилона фойдаланиш орқали мақбул натижаларига эришишdir. Музейнинг муваффакиятли ва барқарор фаолиятига таъсир этувчи муҳим омиллардан бири бу мустаҳкам бирлашган ва яхши ишлайдиган жамоани яратишидир. Бундай жамоани ушлаб туриш эса раҳбарлик, жамоа характларидағи қадриятларини кўра билишлик ва унга эргашишликни талаб қиласи. Яхши менежернинг муҳим ахамиятга эга бўлган функцияларидан бири бу бошқа ҳодимларни жамоа аъзоси бўлишга руҳлантира олишидир. Бир ёки бир қанча шахслардан кўплаб ҳодимларга ваколат бериш орқали жамоа ўртасида вазифалар ва мажбуриятлар тақсимланади.

¹ Музейшунос

² А.Собиров «Музейлар ва кўргазма заллари фаолиятини ташкиллаштириш» реферат, Наманган-2014.

³ Музалёва, О. В. Менеджмент в современном музее / О. В. Музалёва. — Текст: непосредственный // Молодой ученик. — 2019. — № 13 (251). — С. 123-124. — УРЛ: [хттп://молуч.ру/архиве/251/57554/](http://moluch.ru/archive/251/57554/)



Музейнинг самарали бошқаруви бутун ресурслари ва фаолият турлари, ҳамда персоналини қамраб олувчи маъсулият ҳисобланади. У музейнинг ривожланиши ва такомиллашиши учун зарур элементдир. Яхши бошқарувсиз музей коллекцияларини мувофиқ тарзда саклай ва қўллай ололмайди, самарали қўргазма ёки таълим дастурини ишлаб чиқолмайди ва ўтказа ололмайди, ижтимоий манфаат ва ишонч эса йўқотилади, музейнинг жамият аҳамиятига эга ташкилот сифатидаги қадр-қиммати хавф остида қолади.

Музей ўзида ижтимоий тараққиётнинг юқори даражасини акс эттира олиши, унда таълим ва бошқарув соҳасида кенг қўламли билим ва кўникмаларга эга бўлган персонал бўлиши керак. Музейларда инновацион бошқарувнинг аҳамиятини очиб беришдан аввал инновацион жараён билан анъанавий жараён ўртасидаги фарқни тушиниб олиш мақсадга мувофиқдир. Негаки, ташкилот ёки инсонлар томонидан биринчи марта бажарилаётган ҳар қандай янгиликни бошқариш ҳамиша қийинчилик ва муаммоларни келтириб чиқарган. Инновацион жараёнлар бошқарув обекти сифатида доимий бир хилда такрорланувчи анъанавий эскиликтан фарқли ўлароқ анча мураккаб феномен саналади.

Жараён тавсифи	Инновацион жараён	Эскирган анъанавий жараён
Якуний мақсад	Янги ижтимоий эҳтиёжларни қондириш	Узоқ давр мобайнида шаклланган эҳтиёжларни қондириш
Мақсадга етиш йўли	Турли-туман ва қатъий белгиланмаган	Саноқли, оптимал йўл олдиндан белгиланган
Мақсадга етишдаги рисклар	Юқори	Паст
Жараён тури	Жойи ва вақти бўйича узлукли	Узлуксиз
Бошқарилувчанлиги, режалаштириш имконияти	Паст	Юқори
Режалар	Узоқ муддатли, ўзгартиришларга мойил	Қисқа муддатли, қатъий кўрсатма характеристига эга
Жараён доирасида системанинг ривожланиши	Система янги босқичга ўтади	Ўз холича сақланиб қолади
Жараён иштирокчиларининг манбаатларининг мураккаб системаси билан ўзаро таъсири	Қарама-қаршиликка учрайди	Манбаатлар системасига асосланади
Жараён иштирокчиларининг манбаатларига мос келиш даражаси	Паст	Юқори
Мажбуриятлар сферасининг таксимланиши	Қайта тақсимланади	Барқарорлаштирилади
Жараённи ташкиллаштириш шакли	Эгилувчан, бирмунча структураланган системали	Қаттиқ, меёрларга асосланган



Инновацион жараёнларнинг мураккаблиги - уларга ташки ва ички мухитдан бўладиган таъсир факторларининг кўплиги билан баҳоланади⁴.

Музейлар аслида нотижорат муассаса ҳисобланиб, ўз фаолияти орқасидан моддий манфаат кўзламайди. Улар инсониятга маданият, бадиий-эстетик завқ улашувчи, халқнинг маънавиятини оширувчи муассасадир. Яъни, уларнинг томошибинга «сотадиган» моддий маҳсулоти йўқ. Бундай шароитда улар қандай қилиб ўз-ўзини моддий рағбатлантириши мумкин деб ўйлаш табиий. Айнан музейда инновацион бошқарув тизимини шакллантириш, фандрайзинг ва музей маркетингини йўлга қўйиш моддий манфаат келтириш усул ва услубларини яратади.

Музей бошқарувининг асосий вазифаси - маъмурий фаолият асосларини яратиш ва такомиллаштириш, жамоа ишининг самарадорлигини ошириш, бошқарувнинг янгича самарали услубларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш, муассасанинг олдига қўйилган асосий миссияси, яъни мақсади, вазифа ва топшириқларни белгилай олишдан иборат⁵.

Ижтимоий маданий соҳа менежменти бевосита жамиятнинг ижтимоий ва маданий эҳтиёжларини кузатиб бориш, уларни қондириш учун нималарга эътибор қаратиш лозимлигини узлуксиз ўрганиб боришни талаб этади.

Музей бошқаруви доирасидаги фаолиятнинг асосий жиҳатларидан бири-режалаштиришdir. Режалаштиришнинг моҳияти музейнинг мақсадлари ва унга эришиш услубидан келиб чиқсан ҳолда мавжуд ресурсларни имкон қадар тўғри тақсимлашдан иборат. Бу вазифани музейнинг стратегик менежменти ҳал этади. Бозор иқтисодиёти шароитларида истеъмол мотивацияси, ижтимоий талаблар ҳамда келажакда юзага келиши мумкин бўладиган маданий эҳтиёжларни олдиндан кўра билиш орқали узоқ давр мобайнида музей фаолиятини сақлаб қолиш ва ривожлантариш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш музейнинг стратегик бошқаруви моҳиятини ташкил этади.

Музейлар ўз аҳамияти жиҳатидан жамият ҳаётида мухим ўрин тутади. Бир қарашда музейларда намойиш этилган экспонатлар қачонлардир кимдурлар томонидан йиғилган, ҳозирга келиб кераксиз бўлиб қолган эски буюмлар сифатида баҳоланса-да, улар инсоният ривожланиш босқичларини ўрганиш жараённида ноёб тарихий қийматга эга манба хисобланади. Улар кеча ва бугунни бир-бирига боғлаб берувчи воситалардир.

Инсонларга ўтмиш ҳақида маълумот берувчи, ижтимоий-маданий ўзгаришларни кўрсатиш орқали уларнинг тарих ва бугунги кун борасидаги дунёқарашини кенгайтиришга ёрдам берувчи экспонатларни тўплаш, сақлаш, тадқиқ этиш ва намойиш қилиш музейларнинг асосий функцияларидир.

Ҳозир ҳаётимизнинг барча жабҳаларига “бозор иқтисодиёти”, “эркин рақобат”, “ахборот технологиялари”, “амалиётларни компьютерлаштириш”, “менежмент”, “маркетинг” каби иборалар жадал суръатлар билан кириб келмоқда. Албатта, жамиятимизга кириб келаётган бундай янгиликлар музей муассасаларини ҳам четлаб ўтмади.

Республикамизда мустақиллик эълон қилинган дастлабки кунларданоқ музейлар ишини замон билан ҳамнафас олиб бориш учун кенг имкониятлар яратилмоқда⁶.

Бугунги кунда жаҳонда юз бераётган туб ижтимоий-иктисодий ўзгаришлар музейларнинг ҳам янги шарт-шароитларга мослашувини талаб этмоқда. Яқин тарихга назар солсак, илгари музейлар ўз-ўзини молиялаштириш, моддий имкониятларни кенгайтириш устида бош қотирмас, давлат бюджетидан йиллик ажратилган маблағга муносиб равища

⁴ Степанова И.П. Инновационный менеджмент: курс лекций для студентов, обучающихся по направлению подготовки 080200.62 «Менеджмент» – Саратов, 2014. – 124 с.; -14-стр.

⁵ Музалёва, О. В. Менеджмент в современном музее / О. В. Музалёва. — Текст : непосредственный // Молодой ученик. — 2019. — № 13 (251). — С. 123-124. — URL: <https://moluch.ru/archive/251/57554/>

⁶ Нишонова К.С. «Музей иши тарихи ва назарияси» фанидан маъруза матни. Тошкент-2018й.



фаолиятларни юритиб келар эдилар. Энди эса, лимитланган бюджет маблағлари билан чекланиб қолса музейлар бугунги шароитда инқирозга юз тутишлари очиқ-ойдин кўзга кўриниб қолди. Шу сабабдан ҳам янги шароит янгича бошқарувни талаб эта бошлади.

Бугунги кунда бюджетдан ажратмаларнинг чекланганлиги шароитларида тўла молиявий инқирозга учрамаслик, экспонатларни лозим даражада асраш, ходимларга муносиб ҳақ тўлаш, музейларнинг кенг омма учун жозибадорлигини ошириш, уларнинг ёшлар дунёқарашига таъсирини кучайтириш учун маркетинг усулларидан кенг фойдаланиш, ҳомийлик, меценатлик харакатини ривожлантириш ва жамоатчилик билан алоқаларни мустаҳкамлаш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Айни дамда музейлар фаолиятига таъсир этувчи факторларни замонавий услублар ёрдамида таҳлил қилиб, текширув натижалари асосида келгусида янада кўпроқ муваффакиятлар қозониш мумкин. Бундай янгича таҳлил турларидан бири SWOT-таҳлиллар. SWOT-таҳлил бу - стратегик менежментнинг универсал услубидир. У маркетинг ва стратегик режаларни тузишдаги мажбурий дастлабки босқич саналади. SWOT-таҳлил обьекти сифатида музей муассасаси, ишлаб чиқариш компанияси, маҳсулот ёки хизмат, хаттоки инсон ҳам кўрсатилиши мумкин. Ушбу методика – бошқарув қарорларини қабул қилиш ва рискларни бошқаришда самарали восита бўлиб, музейнинг кучли ва заиф томонларини ҳисобга олган ҳолда аниқ йўналиш бўйича долзарб вазифаларни аниқлаб беришга ёрдам беради. Тависяларга кўра SWOT-таҳлилни бир йилда бир марта бюджетни шакллантириш ва стратегик режалаштириш даврида ўтказиши лозим. Шундан сўнг менежер диққат-эътиборини юқори натижаларни қўлга киритиш учун зарур бўлган фаолият соҳасини яхшилашга қаратади. Хулоса қилиб айтганда, музейларни бошқариш – бу, фаолиятнинг алоҳида тури бўлиб, унинг ўзига хос ҳусусиятлари ва спетсификасини мукаммал ўрганишни талаб этади. Ўз музей муассасаларини ривожлантириш учун менежерлар доимий равишда бозор тенденсияларини, илмий-техникавий ютуқлар прогресини, ҳамда энг асосийси ўз мақсадли аудиториясининг эҳтиёжларини ўрганиб боришлари лозим⁷.

Музейлар фаолиятини молия билан таъминлаш, музейларнинг ижтимоий ривожланиши ва музей ходимларига маош тўлашнинг асосий манбаси бўлиб давлат бюджетидан пул ажратиш ҳисобланади. Музейлар учун бюджетдан пул ажратиш бюджетдан ташқари манбалардан тушадиган маблағлар билан тўлдирилади. Музейлар бюджетдан ташқари маблағлар аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш, шартнома асосида корхона ва муассасаларга хизмат кўрсатиш ҳисобига ҳамда фуқаро ва ташкилотларнинг ўз ихтиёрлари билан ажратадиган маблағлари ва бошқа манбалардан иборат бўлади. Бунда, бюджетдан ташқари манбалардан тушадиган маблағлар бюджетдан олинадиган маблағлар миқдорига таъсир кўрсатмаслиги керак.

Музей ишининг келгусидаги тараққиёти, музей хизмат кўрсатиш даражасининг сифат жиҳатидан ўсиб бориши музей ходимларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимиға бўлган талабни оширади. Бу тизим гуманистик мазмуни кучайишни, олий маълумотли музей ходимларининг умуммаданий ва профессионал даражасини кўтаришни, музейчilik ахборотлари оқимидан зарур маълумотларни танлаб олиш қобилиятини тарбиялашни, манбаларни таҳлил қилиш, баҳолашни ходимларнинг психологик ва педагогик тайёргарлигини таъминлаши зарур. Музейларда хизмат кўрсатишга қўйилаётган талабларнинг ўсиб бораётган бир шароитида музей ходимлари малакасини узлуксиз ошириб бориш масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Малака оширишнинг узлуксиз бўлиши, бу соҳада ягона тизимни вужудга келтириш ҳамда республиканинг барча музейлари ва барча тоифадаги музей ходимларини қамраб олиш, ҳозирги кунда Ўзбекистонда мавжуд бўлган малака ошириш тизимини тўлдиришни тақазо этади.

⁷ Музалёва, О. В. Менеджмент в современном музее / О. В. Музалёва. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2019. — № 13 (251). — С. 123-124. — URL: <https://moluch.ru/archive/251/57554/>



Хусусан бу тизимни республика миқёсида равон ташкил этиш ҳамда маҳаллий шароитларга мослаштириш учун йирик музейлар хузурида олий ўкув юртларида тайёрланишни кўзда тутилмаган ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш талаб этилади. Музейчилик соҳасида ташкилий жиҳатдан юқори даражага эришган йирик музейларда музей ходимларининг малакасини оширишни уюштириш, бу соҳадаги жаҳон тажрибасини ўрганиш музей ишларини бошқаришнинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолади.

Музейларнинг вазифасини аниқлаш учун “амалиёт” деган сўзнинг луғавий маъносини чақишига тўғри келади. Бу сўзнинг маъноси музейларнинг ижтимоий маданий вазифасини тўлиқ очиб беради. Шундагина музейга маълум бир амалиётни бажарувчи муассаса сифатида қараш мумкин бўлади. Музейга шу тарзда ёндошиш унинг фаолиятида бошқа муассасалар фаолиятида мавжуд бўлмаган ўзига хос сифатларни: яъни фондларни тўплаш, йигиш, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, экспозиция-кўргазма уюштириш, таълимий-тарбиявий иш олиб бориш каби аҳамиятларини очиб беради⁸.

Музейларда инновацион бошқарувнинг аҳамияти бугунги тўхтовсиз суръатларда илм-фан ва технологик жиҳатдан тараққий этаётган жамиятда долзарб масала бўлиб ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида ўз-ўзини молиялаштиришга бўлган талаб ортиб бормоқда. Негаки, бу даврда фақат кучлиларгина ўз ўрнини сақлаб қолиши мумкин, энди ўзаро рақобатга кириш учун аслида нотижорат муассаса саналмиш музейлар ҳам молиявий ҳолатини яхшилаш мақсадида ўз хизматлари савдосини оширишга ҳаракат қилиши лозим. Акс ҳолда музей ўз аудиториясини бошқа сифатлироқ хизмат кўрсатувчи музейларга бой бериб қўйиши муқаррардир.

Бугунги замон музейлардан ахборотлашган, профессионал, мантикий, мамнуният келтирувчи ва ижтимоий фаол муассаса бўлишини талаб қилмоқда. Янги талабларга жавоб бериш учун музей раҳбарияти иқтисодиёт, хукуқ, социология, психология, ахборот коммуникацион технологиялари каби турли соҳалардаги давлат бошқаруви ва бизнеснинг илғор амалиёти ва тадқиқотларидан бошқарувнинг замонавий тамойилларини ўзлаштириши лозим. Ҳамма вақт бирор соҳанинг фаолиятини таҳлил қилишда ўзимиздан кўра илғорроқ мамлакатлар билан солишибниш табиий усул бўлган. Бу борада ҳам ривожланган мамлакатлардаги етакчи музейлар тажрибалари билан ўртоқлашиш мақсадга мувофиқдир. Улар босиб ўтган йўлни кузатиш бизга ўз фаолиятимизни анализ қилишга ёрдам беради.

Жаҳоннинг барча машҳур музейлари аниқ шахсларнинг шахсий коллекциялари негизида пайдо бўлган. Бора-бора музейлар кўплаб давлатларнинг ижтимоий ҳаётининг ажралмас қисмига айланган. Дастлаб Европада ташкил топган музейлар талабалар ҳамда санъат арబоблари учун ҳафтада икки кун очиқ бўлган. Музейларни кириб кўриш учун олдиндан ёзма рўйхатдан ўтиш лозим бўлган.

Энг машҳур дастлабки йирик музейлардан бири бўлган “Британия музейи” бугунги кунда ҳам бутун дунё ҳамжамияти дикқатини ўзига жалб қилиб келмоқда.

Илмий-таълим йўналишидаги биринчи инглиз музейи 1683 йилда Оксфорд университетида очилди ва кейинчалик “Ашмол” музейи номини олади. Бу музейнинг асосини ота-бола Трейдескантлар коллекцияси ташкил қилади. 1656 йилда “Трейдескантлар музейи” номи билан биринчи каталог нашр қилинади.

Мазкур каталогни нашр қилиш ва бир тизимга келтиришда Джон Трейдескант (ўғли)га унинг дўсти хуқуқшунос ва колекционер Элиас Ашмол ёрдам беради. Кейинчалик у Трейдескантлар музейи меросхўрига айланади. Музейга ўзининг китоблари ва нумизматика тўпламларини кўшиб Оксфорд университетига алоҳида хонада

⁸ Нишонова К.С. «Музей иши тарихи ва назарияси» фанидан маъруза матни. Тошкент-2018й.



коллекцияларни күргазма қилиш шарти билан топширади. 1683 йилда музейнинг тантанали очилиши бўлиб ўтади.

Миллий даражадаги биринчи музей Англияда бир неча ўн йилликлардан кейин очилди. Унинг асосчиси Лондон Қироллик жамияти президенти, врач ва натуралист Ханс Слоун (1660-1753) хисобланади. Ўша даврнинг энг зиёли кишиларидан бўлган Ханс Слоун илмий ишини коллекциялар йиғиш билан қўшиб олиб борган. Олим ўзининг узоқ ҳаёти давомида 43 минг китоб, 7 минг қўлётмалар, 12,5 минг ўсимлик турлари, 334 том гербари, жуда кўп ҳайвон турлари, 23 минг танга ва медаллар, 80 мингдан ортиқ санъат асарлари тўплами, этнографиянинг нодир турлари хисобланган асарлар ва чолғу асбоблари тўплаган. Слоун ўз коллекциясини Қиролга мерос қилиб қолдиради. Бу меросни жойлаштириш учун Лондон атрофида, Блумбсберрида 40 минг фунт стерлингга Монтегюхаус қасри харид қилинади. Музей мулки таркиби Роберт Харли, лорд Оксфорднинг ажойиб қўлётмалари, Роберт Коттоннинг китоб, тангалар, манускпитларидан иборат коллекциялари киритилди.

1759 йилнинг январида "Британия музейи" номини олган янги музей тантанали очилади. Лондон Миллий галереяси ва Британия музейи инсоният тарихида жаҳоннинг энг машҳур музейларидан бири хисобланади. Британия музейи тўплами ўзида тараққиётнинг бошланишидан ҳозирги кунгача бўлган даврини акс эттирувчи 13 миллиондан ортиқ экспонатларни мужассамлаштиради. Блумбсберридаги музейга дунёнинг энг чекка ўлкаларидан ҳам мўжизалар олиб келишади. Қадимий ва замонавий дурдоналар узоқ ўтмишдаги греклар, оссурияликлар, атстеклар, қадимги хитойликлар ва хиндулар тарихини ҳикоя қиласади.

Британия музейи доктор ва олим Ханс Слоун коллекцияси негизида 1753 йил ташкил топади. Биринчи марта музей томошибинларга ўз эшикларини 1759 йилнинг январида Блумбсберридаги Монтегюхаусда очади ва шундан буён шу ерда жойлашади. Икки ярим аср давомида музейнинг кенгайтирилиши 1887 йилда Жанубий Кенсингтонда ўлкашунослик музейининг очилишига туртки бўлди. 1997 йилгача замонавий Британия кутубхонаси жамоат учун ёпиқ бўлган даврда Британия музейи ўзининг музей ҳамда миллий кутубхона вазифасини бажарганлиги билан аҳамиятлидир. Лондон галереясига кириш маҳсус экспозитсияларни назарда тутмаганда умуман бепулдир.

Британия музейи дастлабки даврда картина галереяси сифатида эмас, балки умумий ташкилот мисолида ўйланган эди. Табиатшунос олим Ханс Слоун (1660-1753) туфайли бу музей дунё юзини кўрди. Ўз ҳаёти давомида Слоун антиқа буюмлар коллекциясини тўплайди ва ўлимидан сўнг бу коллекциянинг тарқалиб кетишини хоҳламайди. Шу сабабли уни қирол Георг II га васият қилиб кетади.

1753 йилда қирол Георг II музей ташкил қилиш ҳақидаги фармонга имзо чекади. Ушбу фармонга мувофиқ Слоун коллекциясига яна иккита кутубхона: Елизавета даврига мансуб Роберт Коттон томонидан тўплланган Cottonian Library, ҳамда герсог Оксфордларга мансуб Harleian Library кутубхоналари қўшилади. Улар 1757 йилда қироллик кутубхонасига бириктирилади. Британия музейи қиролликка ҳам, черковга ҳам тегишли бўлмаган, омма учун очиқ бўлган янги типдаги миллий музейлардан саналади.

Бугунги кунда музейда табиатшуносликка оид тўпламлар йўқ, китоблар ҳамда манускриплар Британия кутубхонасига ўтказилган. Экспонатларнинг хилма-хиллик даражаси йўқотилган бўлсада, 250 йил давомида Британия музейи экспонатлар сони 13 миллионга, табиатшунослик музейида 70 миллионга, Британия кутубхонасида 150 миллионга кўпайди ва бу кўрсаткич йил сайн ўсиб бормоқда⁹.

⁹ Исмоилова Ж.Х., Мухамедова М.С. «Замонавий жаҳон музейшунослиги» ўқув қўлланма. Тошкент-2013. 46-48-бетлар.



Музейда олиб борилаётган илмий тадқиқотлар илм – фан учун ҳам янги манбаларни очиб беришга құмаклашмоқда.

Британия музейи фаолиятини ўрганиб чиқиши давомида шундай холосага келиш мүмкінки, унинг фаолиятидаги муваффақиятли томони музей менежментини тұғри йўлга қўйганлигидадир. Яъни, Британия музейи маъмурий структурасини ишлаб чиқиша алохидә эътибор билан ёндошилган. Бошқарув аппаратининг тұғри ташкил этилиши орқали музей механизмининг ишлаш самарадорлиги ортишига эришилган. Бундан ташқари, ҳар бир лавозим учун мукаммал, адолатли йўриқнома ишлаб чиқилган ва ҳодимлардан унда белгиланмаган вазифа ва мажбуриятларни бажариш талаб этилмайди. Шунга эхтиёж туғилган ҳолатларда бу ҳодимдан илтимос қилиниб, эвазига моддий рағбатлантириш ва ташаккурнома билан жавоб берилади. Инсон омилини бошқаришда рағбатлантириш асосий ўринда туриши билан музей ҳодимлари ишчанлигини ортишига эришган Британия музейи ҳодимларини малакасини доимий ошириб боришни ҳам унутмайди. Музей Лондондаги Голдсмит университети билан ҳамкорликда ўз ҳодимларини доимий маҳаллий ва халқаро тренинглар, мастер-классларда иштирокларини таъминлашга ҳаракат қиласи.

Британия музейининг яна бир ютуғи - ташриф буюрувчиларга юқори даражада хизмат кўрсатишидадир. Бунинг учун аудиторияни ўрганиш методлари, экспонатларни намойиш этишда янгича усулларни ўрганиб чиқиши, мавжуд атроф-муҳитда янги ғоялар транслятсияси устида узлюксиз иш олиб борадилар. Шунингдек, музей коммуникациясининг тұғри йўлга қўйилгани ҳам музейга нафақат хорижий туристларнинг, балки маҳаллий ахоли ўртасида ҳам ташриф талабини ортишига хизмат қиласи.

Буюк Британиядаги яна бир йирик музей - Виктория ва Алберт музейи бўлиб, у Европада ташкил этилган биринчи амалий безак санъати музейи ҳисобланади.

1852 йилда шахзода Алберт ташаббуси билан етакчи архитектор ва санъатшунос Готфрид Земпер иштирокида Лондон шаҳрида асос солинади. Бунга 1851 йил Лондонда бўлиб ўтган Бутунжаҳон кўргазмаси экспозицияси сабаб бўлган. Кўргазманинг ташкилий қўмитаси раиси қиролича Викториянинг турмуш ўртоғи шахзода Алберт индустрىял янгиликлар, машинасозлик ва савдо-саноат ютуқларини намойиш этувчи бўлажак бадиий-саноат асарлари музейи учун лойиҳа тайёрлашни буюради. Музейни молиялаштириш “Санъат жамияти”нинг халқаро кўргазмани ўтказишдан келиб тушган маблағининг бир қисми ҳисобидан амалга оширилади. Музей учун маҳсус бино қурилгунга қадар “Мануфактуралар музейи” Малboro уйига, кейин эса Лондон марказидаги Сомерсет-Хаусга жойлаштирилади. 1853-йилда музей номи “Безак санъати музейи”га ўзгартирилади. Готфрид музей билан бир қаторда хунар мактаби ҳам ташкил этиш ғоясини илгари суради. Шу тариқа Қироллик рассомлик коллежига асос солинди. Музейнинг расмий очилиши 1857 йил 20 июнда қиролича Виктория иштирокида бўлиб ўтди. Музейнинг биринчи директори сифатида сер Генри Коул тайинланди.

Музей фонди Бутунжаҳон кўргазмаси ёпилиши билан қўлга киритилган буюмлар, коллекционерларнинг тўпламлари, ишлаб чиқарувчилар ва хомийлар томонидан берилган ҳайриялар ҳисобига тўлдирилди.

1899 йилда қиролича Виктория бошчилигига музей учун янги замонавий бино тамалтоши ўрнатилди. Шу вақтдан эътиборан музей қиролича ва унинг турмуш ўртоғи шарафига Виктория ва Алберт музейи деб номлана бошлади. Қурилиш 1909 йилдагина ўз якунига етди. 2001-2015 йилда музей биноси тўлиқ реконструксияга тушди, натижада архитектор Э.Уеббнинг тарихий хоналари қайта таъмирланиб, экспозиция бироз кенгайтирилишига эришилди.

Британия музейлари ҳамиша маркетинг масаласига катта эътибор қаратгандар. Шу қатори Виктория ва Алберт музейи ҳам томошабинларни жалб этувчи рекламалардан кенг фойдаланган. 1988 йилда ёшлар аудиториясини музейга ташрифини кўпайтириш



мақсадида “Яхшигина музей илова қилинадиган ажойиб кафе” реклама иборасини чиқарди. Бу айни дамда консерватив британ жамияти учун ноодатий усул бўлганини эътироф этиш табиийдир. Ҳозирда бу музейда 5000 йиллик тараққиёт даврини ўзида акс эттирувчи икки миллиондан ортиқ экспонатлар сақланади. Улар орасида Шимолий Америка, Осиё, Африка, лотин Америкаси мамлакатлари, Хитой, Япония, Корея, Малайзия, Австралия, Янги Зеландия ва ислом мамлакатлари санъатининг нодир дурдоналари ўрин олган.

Бугунги кунда музей жаҳонда энг йирик амалий безак санъати ва дизайн музейи сифатида тан олинган. У 6 қаватли бинода жойлашган 145 та галереядан иборат. Музей ўз аудиториясини доимий қўнгилочар кўргазмалар, янги лойиҳалар, тадбир ва мастер-класслар билан қизиқтириб келади. Музейни томоша қилиш учун оиласи ташриф буюриш мумкин, негаки музейда турли ёшдаги томошабин учун қизиқарли бўлган экспозитсия, тадбир ва томошалар доимий ташкиллаштириб турилади. Бундан ташқари музейга кириш 12 ёшгача бўлган болалар, ногиронлиги бўлган шахслар, ИКОМ карточкаси соҳибларига мутлақо бепул. Ҳафтанинг ҳар шанба куни турли спектакл ва мастер-класслар ўтказилиб, уларни кириб кўриш бепулдир. Ўтган йиллар статистикасига кўра музей ҳар йили 4 миллионга яқин томошабинни қабул қиларкан.

Музей ичидаги маҳсус кафе, китоблар ва совға сувенирлар сотиладиган дўконлар, ёш болаларни кийинтиришга мўлжаллаб жихозланган хожатхоналар, ортиқча буюмлар ва кийимларни топшириш учун қўриқланадиган гардероб томошабинларга кўрсатиладиган сифатли хизматни таъминлайди. Шунингдек, музейда ногиронлар ҳаракатланиши учун ҳамма шароитлар муҳайё қилингани сервис даражасининг юқори эканидан далолат беради. Британия музей каби Виктория ва Алберт музейи ҳам музей коммуникациясини тўғри йўлга қўйган. Маркетинг ва менежмент масалаларини муваффақиятли ҳал этгани боис ҳозирда энг машҳур ривожланган етакчи музейлардан бирига айланиб ултурган.

Тадқиқот мобайнида Америка Кўшма штатларидағи Метрополитен музейининг фаолиятига ҳам алоҳида дикқат қаратилди.

Метрополитен музейи жаҳондаги энг йирик бадиий музейлардан бири бўлиб, ташриф буюрувчилар сонининг қўплиги бўйича дунёда тўртинчи ўринда туради. АҚШнинг Нью Йорк шаҳрида жойлашган мазкур музей 1870 йил 13 апрелда бир гурух америкалик бизнесменлар ва санъат ихлосмандлари томонидан асос солинган. Омма учун илк бор 1872 йил 20 февралда очилган. Музейнинг биринчи президенти Жон Тейлор Жонстон, ижрочи директори эса нашриётчи Жорж Палмер Путнем бўлди. Дастлаб музейга кириш билети ўрнига турли рангдаги значоклар тақдим этилган, томошабинлар уларни кийимларига қадаб олишган ва эсдалик учун ўзлари билан олиб кетишган. Ҳар куни янги рангдаги значок сотувга чиқарилган. Кейинчалик 16 хил рангни навбатма-навбат айлатирилган. 2014 йилга келиб металл значок ўрнига наклейкалар чиқарила бошлади. 2018 йилга қадар Метрополитен музейига кириш значоклари ва наклейкалари нархи рамзий эди, яъни ташриф буюрувчи хоҳлаган суммасини бериб музейга кириш значогини сотиб оларди, хаттоти 1 сентга ҳам. 2018 йилдан бошлаб музейга кириш фақат Нью Йорк шаҳри аҳолиси учун бепул, қолганларга 25 доллар этиб белгиланди.

Америка музейларида музей педагогикаси, яъни таълим соҳаси билан бевосита уйғунлик, алоқадорликка катта эътибор қаратилади. Бутун дунёдаги музей ихлосмандларига маълумки, болалар музейларининг ватани ҳам Америка Кўшма Штатлариdir.

Америка музейларининг маърифий вазифалари назарияси асосчиларидан бири Д.Гудд бўлиб, у маорифда музейнинг вазифасини буюмлар воситасида таълим беришда кўрган. Бадиий ва табиатшунослик музейлари орасидаги фарқларни эътироф этган тадқиқотчи томошабинлар учун ашё-буюмларнинг керакли ёзма ахборот-варақа, йўл кўрсаткич, рассомлар ҳақидаги асарлар билан таъминланиши муҳимлигини таъқидлаган эди. У шунингдек, омма учун маъruzалар ташкил этиш кераклигини алоҳида уқтирган. Америка



Қўшма Штатларида Д.Гуддинг ташаббуслари тез амалга оширилди. Нью-Йорк шаҳридаги Метрополитен музейининг илк йўл кўрсаткичи 1906 йили нашр этилиб, у томошабинларни кўргазма билан таништирган. Ўша йили ўқитувчилар учун маҳсус қўлланма ҳам чоп этилган. Дам олиш кунлари омма учун маърузалар ўтказилган. Музей маърифатига оид «Метрополитен бюллетени» нинг маҳсус сони чоп этилиб, унда барча томошабинлар: талаба, ўқитувчи, дизайнер, кўзи ожиз ва карлар учун ишлаб чиқилган дастурлар муҳокама этилишидан ташқари, уларга ўқиладиган оммавий маърузалар мазмуни, савияси ва ўзига хослиги ҳақида ҳам сўз борган. Мутахассислар 1919 йилдан бошланғич ва ўрта мактаблар, бошқа таълим муассасаларида иш олиб боришнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб амалиётга татбиқ эта бошлайдилар¹⁰.

Америка Қўшма Штатларида томошабинлар билан ишлашда тўпланган тажрибаси, бадиий музейлар мақсадларининг ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда Д.Хайд музей фаолияти ва аҳамиятини қўйидагича ифодалаган: «Музей болаларнинг маърифий билимлар олишига, катталарнинг эса соғлом ҳаёт тарзи, дам олиши ва билимларини оширишга шароит яратиши лозим. У талаба учун билимлар хазинаси, рассом учун эса илҳом берувчи манбага айланishi керак. Унинг таъсири одамларнинг ўз уйларида сезилиши ва жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳаётида акс этмоғи даркор. Ушбу тажриба асосида турли тоифадаги томошабинлар учун ўзига хос дастурлар ҳам ишлаб чиқилган эди:

1. Омманинг дам олиши ва қўнгилхушлиги;
2. Билим даражасини ошириш (шу жумладан санъатшунос, талаба ва рассомлар);
3. Болалар манфаатлари учун.

Америка Қўшма Штатлари маорифи фалсафасидаги эстетик йўналиш музейнинг вазифаси сифатида жамиятда юксак эстетик дидни тарбиялаш ва сақлашни талаб этади. Ўзининг долзарблигини бугун ҳам йўқотмаган бу қонун-қоидалар, музей педагоги вазифасини томошабинлар ва санъат асарлари орасидаги боғловчи восита сифатида тушунади.

Аммо кўпчилик музей намояндалари қўллаган эстетик йўналиш маориф амалиётига кўра музей иши мақсадлари назариясига яқинроқ эди. Натижада кўп ўтмай у билан университетлар илмий фанига айланган санъатшунослик тарихи рақобат қила бошлади. XX асрнинг дастлабки ўттиз йиллигида тез ривожланган ушбу йўналиш ташаббускори Америка Қўшма Штатларининг Гарвард университети бўлди¹¹.

Санъатшунослик асосида тасвирий санъат турларини бошқа санъатлар билан бир қаторда умунижтимоий билимлар доирасида ўрганадиган фанлараро ёндашув ривожлана бошлади. Метрополитен музейи бу борада ҳам биринчилардан бўлиб тарих, география ва бошқа мактаб фанларидан кийим-кечак, мебел намуналари ва бошқа тарихий экспонатлардан фойдаланган ҳолда дарс ўтишни бошлаб берди. 1930–1940 йиллари фаол ва ҳар томонлама муваффақиятли маърифий фаолият Америка Қўшма Штатлари музейларининг энг муҳим вазифасига айланиб, тадқиқотчиларнинг фикрича, (Т.Лоу) улар «Эркин норасмий санъат коллекциялари»га ва маориф муассасасига айлана боради. Бу борада Синсиннати шаҳар бадиий музейи тажрибаси эътиборга молик. Унда 1930 йили Маориф бўлими ташкил этилиб, у болалар учун якшанбада ўтказиладиган машғулотлар дастурини ишлаб чиқди. Дастурга афсона, мусиқа, тарих, география, ҳайкалтарошлиқ дарслари киритилган.

¹⁰ Курязова Д.Т. «Ўзбекистонда музей иши тарихи» олий ўқув юртлари учун оъқув-услубий қоълланма. Тошкент-2010 й.

¹¹ Курязова Д.Т. «Ўзбекистонда музей иши тарихи» олий ўқув юртлари учун оъқув-услубий қоълланма. Тошкент-2010 й.



Маърифий дастурларни ишлаб чиқишида ўз даври педагогикаси эришган ютуқлар ҳисобга олинган¹².

Илм-фан, таълим соҳасини ривожлантиришда музейлар ва уларнинг экспонатларидан фойдаланиш классик услуг бўлиб, буни дастлабки музейлар фаолияти мисолида ҳам кузатиш мумкин эди. Лекин, ушбу фаолиятда ташаббускорликни музейлар ўз қўлига олиб таълим муассасалари билан изчил ҳамкорликка қўл чўзишлари ва уларнинг ҳаётида муҳим ўринга эга бўлишлари тахсинга лойиқдир. Бу билан улар нафақат таълим муассасасининг, балки ўзларининг ҳам тўхтовсиз ривожланиб боришлиари ва доимий гавжумликларига эришадилар.

¹² Курязова Д.Т. «Ўзбекистонда музей иши тарихи» олий ўқув юртлари учун ўқув-услубий қўлланма. Тошкент-2010 й.

